

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

“12” 01. 2022 йил

Дустлик ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 30.12.2021 йилда берилган № 21-01-14/6028-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Жиззах филиали Дустлик ТБ директор Н.Эралиев (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ободонлаштириш бошкармаси номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Б. Муҳтаров (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк кўни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 150000 (Беш юз минг минг) сўми ташкил этади. Ушбу сумма _____ (_____) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда _____ (_____) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк кўни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун ётарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исдалмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш кун**и мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангандир ва тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайдан бошлаб, кучга киради ва **20 22 йил 31 декабрга қадар амал қилади**. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **20 22 йил 31 декабрга қадар амал қилади**.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.


7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор»	«Абонент»
«Ўзбектелеком» АҚ Жиззах филиали	Ободонлаштириш бошқармаси
Дустлик ТБ	Манзил: <u>Ҳасановлар саройи қачқола афто</u>
Манзил: Дустлик шаҳри Чинобод мах. Муст-илик -8 уй	Тел: Факс: <u>335-41-68</u>
Тел: Факс:(72)335-40-07	Х/р: <u>000022860002457065200110001</u>
Х/р: 20210000204074838424	Банк номи: <u>Морнингей Банк</u>
Тошкент шаҳар Алоқа банк АТ	МФО: <u>00014</u> СТИР: <u>201536877</u>
МФО: 00401 СТИР: 203 366 731	ОКЭД: <u>90211</u>
ОКЭД: 61100	Контактные телефоны
Корпоратив мижозлар билан ишлаш булими телефон рақами Тел: 72(335-40-07)	Тел: _____
Эл.Почта: <u>dus@jizzaxtelekom.uz</u>	Эл.Почта: _____
Дустлик ТБ	_____
директор <u>М.П.</u> <u>Н.Эралиев</u>	_____
Юрисконсулт	_____
категории	_____
_____	_____



130100, Jizzax sh., Ma'rifat ko'chasi, 20 uy. Tel:(72) 221 15 10, Faks:(72) 223 63 80. E-mail: jiztel@uztelecom.uz www.jizzaxtelecom.uz

130100, г. Джизак, ул.Маърифат, дом 20. Тел:(72) 221 15 10, Факс:(72) 223 63 80. E-mail:jiztel@uztelecom.uz www.jizzaxtelecom.uz

№ 22-01-01/31

"01" 01. 2022 yil

ИШОНЧНОМА

Жиззах шаҳри

«Ўзбектелеком» Акциядорлик Компанияси (*кейинги ўрицларда – Компания деб юритилади*)нинг Устави ва Компаниянинг Жиззах филиали тўғрисидаги Низом ҳамда Компания томонидан 30.12.2021 йилда берилган №21-01-14/6028-сон Ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Жиззах филиали директори Бобомуратов Мурод Тилолович, Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 47-, 138- ва 140-моддаларига ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7- ва 79-моддаларига асосан мазкур ишончнома орқали Филиал Дўстлик туман телекоммуникация боғламаси бошлиғи ЭРАЛИЕВ НАВРУЗБЕК КУЧКАР ЎГЛИ (*ERALIYEV NAVRUZBEK KUCHKAR O'G'LI, паспорт маълумотлари: АВ 0789425, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани ИИБ, 14.08.2015 йил берилган, амал қилиш муддати 13.08.2025 йил*) қуйидаги ваколатларни беради:

- мазкур ишончнома, Филиал Низоми ва Дўстлик туман телекоммуникация боғламаси (*кейинги ўринларда – Боғлама деб юритилади*) тўғрисидаги Низомга асосан берилган ваколатлар доирасида Боғлама иш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш;


- ваколатлари доирасида Жисмоний шахслар ва мулкчилик шаклидан қатъий назар Юридик шахслар билан телекоммуникация хизматларини ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳақидаги шартномалар (*уларга қўшимча келишувлар/битимлар*) тузиш ёки бекор қилиш (*имзолаш*);


- ушбу ишончнома доирасида тузилган шартномалар (*шу жумладан, илгари тузилган шартномалар*) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳужжатларини (*шу жумладан, ҳисоб-фактуралар, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар, таққослаш ва ўзаро ҳисоб-китоб далолатномаларни*) ва бошқа зарур ҳужжатларни имзолаш;

- Боғлама бошлиғи Н.К.Эралиев, ушбу ишончнома доирасида амалга оширган ҳаракатлари, шу жумладан имзоланган шартномалар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва қонунийлиги учун жавобгардир.

Ушбу ишончнома 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати филиал директори томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Эралиев Наврузбек Кучкар ўглининг  имзо намунасини тасдиқлайман.

Персонал билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Набиев 

Директор



М.Т.Бобомуратов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA
№480**

1.Loyihaning turi – Telekommunikatsiya xizmatlari ko'rsatilishi to'g'risida abonent shartnoma.

2.Loyihaning nomi – Do'stlik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va "Uzbektelekom" aktyadorlik kompaniyasining Jizzax filiali Do'stlik TB o'tasida "Telekommunikatsiya xizmatlari ko'rsatilishi to'g'risida abonent shartnoma"si to'g'risidagi 2022 yilning 12 yanvardagi №27-sonli shartnoma loyihasi. (Loyiha miqdori-150 000 Biz yuz ellik ming) so'm.

3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana – Do'stlik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yilning 12 yanvar kuni elektron tizim orqali markazga taqdim etilgan.

Ma'lumot o'rnida: abbreviatura va qisqartmalar qo'llanilishiga yo'l qo'ymaslik, harflarni tushirib qoldirishga yo'l qo'ymaslik, orfografik xatolarga yo'l qo'ymaslik, buyruqni rasmiylashtirishda Microsoft Word redaktoridan foydalanish, varaqning chap hoshiyasi 3 sm, o'ng hoshiyasi 1,5 sm, yuqori va past hoshiyasi 2 sm bo'lishi, «Times New Roman» shrifti va loyihaning hajmidan kelib chiqib 13, 13,5 va 14 o'lchamli shrift hajmida bo'lishi, qatorlararo interval (mnojitel) 1,2 bo'lishi kerakligi tushuntiriladi.

XULOSA:

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, Do'stlik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan taqdim etilgan ushbu shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.A.Xolmurzayev

15.01.2022 yil